

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**Республика хореографияга**  
**ихтисослаштирилган мактаб-**  
**интернат,**  
**директори Э.О.Жахаров**



30.06.2022

**1. Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби**

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди. Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлик копланadi.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлик амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**2. Танлов валютаси**

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

**3. Етказиб бериш шартлари ва муддати**

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати 31 декабр 2022 йилгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 31 декабр 2022 йилгача давом этади.

**4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали**

4.1 Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома қийматининг 30 %, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

**5. Шартномани молиялаштириш манбаи**

5.1. Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 2022 йил бюджетдан ташқари харажатлар сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.